

## Ушбу сонда:

<b>Шовосил ЗИЁДОВ.</b> Ислом – тинчлик ва маърифатпарварлик дини.....	3
<b>Абдулҳодий ЮСУПОВ, Неъмат ЖАББОРОВ.</b> Асрлар оша синовдан ўтиб келаётган таълимот.....	5

### АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

<b>Дониёр МУРАТОВ.</b> Сунан тўпламлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	7
<b>Давронбек ҚОДИРОВ.</b> Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Бидоятул ҳидоя” асарида қалб гуноҳлари тўғрисида.....	9
<b>Нафиса ҚЎШШАЕВА.</b> Носириддин Тусий дунёқараши шаклланишига таъсир этган ижтимоий-сиёсий вазият ва маънавий муҳит.....	11
<b>Анвар БАБАЕВ.</b> “Саҳихул Бухорий”да тилшунослик сабоқлари.....	13
<b>Мафтуна ОЧИЛОВА.</b> Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида сабр талқини.....	14
<b>Абдуси ШОНАЗАРОВ.</b> Имом Бухорийнинг ўзидан “Саҳихул Бухорий” китобини ривоят қилган машҳур ровийлар.....	15

### НОДИР МАНБАЛАР

<b>Ширин КУРБОНОВА.</b> “Абваб тасриф манзума” асарида лексик қатлам.....	18
<b>Фируз МУЗАФФАРОВ, Бахши РУСТАМОВ.</b> Муҳаммад Ғаззолий ва унинг “Насихатул мулк” асари ҳақида.....	19
<b>Саидахмадхон ҒАЙБУЛЛАЕВ.</b> “Усулул фикҳ” илмининг уч устуни.....	21

### ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

<b>Ойбек РАШИДОВ.</b> Ўзбекистонда совет бошқарувидаги маҳаллийлаштириш сиёсатининг даврий матбуотда ёритилиши.....	24
<b>Янгибой ТУРДИМУРАТОВ.</b> XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги этномаданий жараёнлар.....	26
<b>Фурқат ТОШБОЕВ, Шаҳриёр ЭШБОЕВ.</b> Ўзбек халқи спорт кийимлари тарихидан: анъанавийлик ва трансформацион жараёнлар.....	28
<b>Жамшид КҮЧАРОВ.</b> Амир Темур ва темурийлар даврида Бухоро воҳасида хунармандлик тараққиёти хусусида.....	30
<b>Вазира САДУЛЛАЕВА.</b> Дониёлбий Оталиқ ва Амир Шохмурод даврида Бухорода таълим ва илмий муҳит.....	31
<b>Нигора МАХМУДОВА.</b> Народные суды кочевого населения в Туркестанском крае (по материалам ревизии сенатора К.К. Палена (1908-1909 гг.).....	33
<b>Элдор САТТОРОВ.</b> Илк Ўрта асрларда Суғдда кечган ижтимоий-маиший ҳаётнинг суғдий ҳужжатларда акс этиши.....	35
<b>Сухроб ЭРҒАШЕВ.</b> Ўзбекистонда саводхонлик.....	37
<b>Matlubxon MURTOZAYEV.</b> G'obdin qishlog'i va u yerdagi ziyoratgoh tarixidan.....	39
<b>Абдурасул БОЛТАЕВ.</b> Ўзбекистонда турғунлик йилларида пахтачилик соҳасининг ҳолати.....	41
<b>Ойбек ЯРМАТОВ, Марғуба САТТОРОВА.</b> Ўзбек хонликлари билан Ҳиндистон ўртасидаги иқтисодий алоқалар тарихининг манбашунослиги (XIX-аср).....	43
<b>Бахтиёр ТУРСУНОВ.</b> Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига Самарқанд маънавий-маърифий муҳитининг таъсири (тарихий-синергетик таҳлил).....	45
<b>Шохжаҳон РАШИДОВ.</b> Қатағон қилинганлар тақдири: Абдулла Қодирий қандай оқланган эди?.....	47
<b>Умида КУРАНБАЕВА.</b> Абу Райҳон Беруний асарларида суғдликлар тарихининг ёритилиши.....	49
<b>Дилафрўз ТҶУХТАБОЕВА.</b> Истиқлол йилларида Асака шаҳри.....	51
<b>Ўқтамбек СУЛТОНОВ.</b> Бурҳониддин Марғинович насаби ва авлодлари тақдири.....	53

### ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

<b>Ilhomjon BEKMIRZAEV, Irodaxon GAFUROVA.</b> Марказий Осиёда маърифий ислом тушунчаси ва унинг ривожланиш босқичлари.....	55
<b>Muzaffar SUVONKULOV.</b> Turklar ma'naviyati va islom.....	58
<b>Қосимбек РАЗЗОҚОВ.</b> Чиштия тариқатида нафс тушунчаси.....	61
<b>Tulkin MARDIYEV.</b> Qur'oni karimda “do'stlik” konseptining ifodalinishi.....	63
<b>Нодирбек ТУРАБОЕВ.</b> Фикҳ илмида “Мухтасар” жанридаги китобларнинг аҳамияти.....	65
<b>Даврон НУРМУҲАММАД.</b> Ҳадис илми ривожидида “Муснад” асарларининг тутган ўрни ва аҳамияти.....	66
<b>Абдулло АБДУХАЛИЛОВ, Рауф БЕКБАЕВ.</b> Понимание инвалидности в исламе.....	68
<b>Нодира СУЛТОНОВА.</b> Ўтмиш ренессанс тарихи ва тараққиётида оила ва никоҳ муносабатлари – энг олий қадрият сифатида.....	70
72..... رسالة لا تموت وجهود لن تتوقف	د. محمد سيد ورداني، "البحوث الإسلامية"

### ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

<b>Ақтам АВЛАКУЛОВ.</b> Техноген жамиятда инсон муаммоси.....	73
---	----

# ЎЗБЕКИСТОНДА СОВЕТ БОШҚАРУВИДАГИ МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ДАВРИЙ МАТБУОТДА ЁРИТИЛИШИ

**ОЙБЕК РАШИДОВ**  
БухДУ доценти, Тарих  
фанлари бўйича  
фалсафа доктори

**Туркистон ўлкасида зиёлиларимиз томонидан тузилган миллий мухторият большевиклар томонидан куч билан бошқарилгач, минтақада совет ҳокимиятига қарши кескин норозилик юзага келди. Дастлаб большевиклар совет бошқарувиغا маҳаллий миллат вакилларини яқинлаштирмасдан, улар ишонсизлик билан қаради.**

1919 йил 12 февралда РСФСР Миллий Ишлар Халқ Комиссари И.В. Сталин Туркистон советларига ва партия ташкилотларига мурожаат қилиб, маҳаллий миллат вакилларини давлат қурилишига жалб зарурлигини кўрсатиб ўтди. Шу пайтгача Туркистон совет ҳукумати таркибига бирорта маҳаллий миллат вакили киритилмаган бўлиб, бу ҳолат Туркистонда совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин туб аҳолидан миллий раҳбар ходимлар олинмаганини англатади.

Большевиклар миллий республикаларда маҳаллий кадрларни давлат бошқарувиغا жалб этган ҳолда уларнинг қўллари билан совет миллий ғояларини амалиётга татбиқ қилиш режаларини ишлаб чиқди. Маҳаллий миллат вакилларини ўз томонига оғдирмасдан, куч ишлатиш ва зўравонлик каби шовинистик йўллар билан ҳеч нарсага эришиб бўлмаслиги амалда ўз исботини топган эди. Давлат муассасаларида фақат рус тилида иш юритилиши эса маҳаллий аҳоли учун қийинчиликлар туғдирар эди. Шунинг учун давлат аппаратида ишларининг фақат бир тилида юритилиши тўғрисида жуда кўп шикоятлар келиб тушган. Хаттоки вилоятлар ва жойларга жўнатилган муҳим ҳужжатлар фақат рус тилида бўлиб, маҳаллий аҳоли учун тушунарсиз бўлганидан орқага қайтариб юборилган. Бундай ноодатий ҳаракатларнинг олдини олиш мақсадида давлат аппаратини маҳаллий аҳолига яқинлаштириш режаси ҳисобланган маҳаллийлаштириш сиёсати ҳаётга татбиқ этилди.

Бунда давлат қурилиши ишларига маҳаллий миллат вакилларини кенг жалб қилиш, яъни давлат аппаратини “маҳаллийлаштириш” ҳамда иш юритишда рус тили билан бирга ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларни жорий қилиш белгиланди.

Маҳаллий зиёлилар даврий мабуотда маҳаллийлаштириш мақсади ва вазифаларини ёритиш билан бирга, уни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ва маҳаллий аҳолига ёмон муносабатда бўлаётган европа миллатига мансуб мансабдор шахслар ҳамда мутассадди раҳбарлар ҳақидаги хабарларни бериб борди.

Туркистонда давлат идораларини маҳаллийлаштириш учун 1923 йил 31 августда Туркистон АССР Марказий Ижроия Кўмитаси олдида Марказий ерлилаштириш комиссияси тузилди [1]. Ушбу комиссия вазифа ва ваколатларига маҳаллийлаштириш ишларини ташкил этиш, уларни олиб бориш, тегишли чора-тадбирлар кўриш, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар тизимини ишлаб чиқиш, ишнинг бажарилиши юзасидан назорат олиб бориш ҳамда тадқиқотчиларни тайёрлаб, уларни турли муассасаларда иш билан таъминлашни ташкил этиш белгиланди. Аммо маҳаллийлаштириш ишларининг болашаги европа миллатига мансуб ходимлар томонидан яхши қабул қилинмади. Улар муассасаларда маҳаллий аҳолига мансуб ишчилар ишлашига очикдан-очик қарши эканини намён қилди. Зиёлиларимиз миллий матбуотда маҳаллий ишчиларга хусумат билан қаралиши ва тажриба ўрганиш учун юборилганларга иш ўргатиш ўрнига уларни орқага қайтариб юбориш каби турли тўсиқ ва ғовларни ёритиб борди.

“Табиий идораларни ерлилаштириш масаласига мустамлакачилик руҳи билан суғорилган ва идора усталани ўзининг қонун ҳаққи деб санагон баъзи бир оврўполик афандиларнинг зўр тўсиқ бўлиб чиқишлари аввалдан сезилган эди. Бундай унсурлар билан курашиб ерлилаштириш масаласини жонлантриш мазкур идорадаги масъул ишчиларнинг асосий виждонли вазифаларидир. Натихада юқоркидаги бузуқчилар билан ёлғиз ерлилаштириш комиссиясининг ўзигина курашиб келади” [1].

“Ҳар миллат ўз она тилида иш олиб борғандагина унда ёзиш натижалар кутадир. Фақатт бугун Ўрта Осиёдаги ерлилаштириш шу қадар муваффақиятсиз кетадурким, бу бир томондан, тайёрликсиз бўлса, иккинчи томондан, ўрус мустамлакачиларининг ярамас қилиқлари сабабидандур. Бундай бири турли идораларга стажёр ўрунлаштирса-да рус мустамлакачиларининг деганлар-деган, айтганлари-айтган.

Бугун ерлилаштириш иши шундай ҳолда кетмаслиги ке-

рақдир. Энди рус мустамлакачилари билан қаттиғ курашиб, ҳар турли манҳақларни оғдаришга ва йиқитишқа тушамиз. Бу ерлилаштириш теварагида масъул ишчи ва фирқа ташкилотларининг ғайратлари лозимдур. Бу ерлилаштириш ишини тузук бир йўлга қўйғондагина ерли халқни эҳтиёжини таъмин этган бўламиз ва шундагина ишимизда муваффақият қозонамиз” [2].

Туркистон АССРда фаолият юритган маҳаллийлаштириш комиссияси 1923 йилнинг октябрь ойидан турли идора ва муассасаларга стажёрлар – иш ўрганувчиларни жўната бошлади. Улар ташкилотларда иш ўрганиб, ўша ернинг ўзида фаолият юритиши белгилаб берилди. Аммо комиссия юборган стажёрлар аксар ҳолларда муассаса раҳбарияти ва ходимлари томонидан яхши қабул қилинмасдан, иш ўргатиш ўрнига турли баҳоналар билан орқага қайтариб юборилди. Бу жараён билан боғлиқ эътирозлар ўша давр миллий мабуотида кўйидагича ёритилган: “Стажёрлар маҳкаммага борғондан сўнг кўрқитишлар бўладир. Стажёрларнинг тиши ўтмайдурғон ишларни бирдан рўбарў қилиб, қилсанг-қиласан бўлмаса йўқ, деб шундай ушлайдир. Стажёрларга ҳам жон керак. Мумкин бўлмагон ишни қилолмайди. Мана бу жойга келганда уларга катта баҳона топилиб, дарров камиссияга қоғоз ёзадир: “Юборган тажрибачингиз тайинланган ишимизга унамади. Шунинг учун қайтардик...” [3].

“Тошкент ерлилаштириш комиссиясининг янги ҳайъати 3 июндан (1925 йил назарда тугилипти – О.Р.) ишга киришиб, барча маҳкамалардан рўйхат талаб қилди. Шундан сўнг маълум бўлдики, бу маҳкамаларнинг кўпларида бир прасент (фоиз – О.Р.) ҳам ерли киши бўлмагон. Камиссарлар шўросининг “маҳкамаларга 10 прасент стажёр қўйилсин” деган декретига кўра камиссия томонидан 2-3 киши тажрибачи қилиниб юборилганда маҳкама бошлиқлари тўлғоқлик тутиб, “бизлар Масковни биламиз, Масков руҳсатидан ташқари киши ола олмаимиз, буларга пул қаёқда...” деб қайтардириллар. Камиссия шундай маҳкама мудирларини чақириб олиб, қонун бўйича жазолашқа мажбур эканини билдиргандан кейин қаёққа ўтиришини билмай, ана ундан кейин шуларни олмаслиқ чораларини излайдир. Ушанда ҳам 100 кишига 2 та юборсангиз, у-бу, деб савдогарчилик ҳам қиладир. Эртасига қарасангизки яна бир тескарилик...” [3].

Маҳаллийлаштиришнинг сиёсий мақсадлари унинг иқтисодий унумдорлигига мувофиқ келмасди. Чунки у таржималар билан таъминлаб берадиган, маҳаллий халқни янги ишлар билан таништирадиган ва европаликларга маҳаллий тилларни ўргатадиган махсус ёлланувчи мансабдор шахсларга эҳтиёж сезиларди. Маҳаллийлаштиришга янги иқтисодий сиёсатнинг кириб келиши сифатида қаралиб, кўпгина харажатлар маҳаллий бюджетга юкланган эди. Ерли аҳоли вакиллари иш ўрганувчи сифатида ёлланиб, уларга кам ҳақ тўланган. Иқтисодий улуш борасидаги тортишувлар ишчиларнинг меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келар, бу эса ўз-ўзидан маҳаллийлаштиришга қаршиликларни келиб чиқишига сабаб бўларди. Бу асосан кичик саноатлашган секторларда ҳукмронлик қиладиган европалик ишчилар томонидан амалга оширилган [4].

Айрим муассасалар маҳаллийлаштириш жараёнини этибордан четда қолдирди. Бу муассасаларда маҳаллий аҳоли вакилларидан ҳеч ким ишга олинмасди. “Янги шаҳар ижроқўми битта ҳам ўзбекни хизматига олмайди. Нимани баҳона қилади, денг! Смета тузилганда стажёр харажатини “эсдан” чиқариб, сметага киргизмай қўйибдирлар. Смета тузганларидан кейин қабул қилар эканлар... Ҳозирча битта ҳам ўзбекни қабул қилишнинг иложи йўқ” [5].

“Янги шаҳар ижтимоий таъминот шўъбасига комиссия ўз ҳисобидан ўзи пул тўламоқчи бўлиб, зўрға тажрибачи юборди. Ишга келганда стажёр бир йилдан бери тажриба кўриб ётибдир. Қайси куни комиссия ҳайъат тузиб, стажёрни синашдан ўтказиб, шаттага лойиқ топди. Маҳкама бошлиғи ўртоқ Канчуруф илдам гапирмайдурғон гапларни гапириб комиссиянинг қарорини

амалга оширмаслигини билдирди. Стажёрда нима гуноҳ! Хаттоки уларни маҳкамдан уруғини қуритаман деган”[5].

Маҳаллийлаштириш сиёсати давлат даражасида олиб борилиши кераклиги белгиланган бўлса-да, уни амалга ошириш ва муассасаларда маҳаллий ходимларни кўпайтиришининг ҳолати илгаригидек эди. Натижада маҳаллий миллат вакиллари маҳаллийлаштириш ишларидаги камчиликларнинг олдини олиш борасида баъзи бир талаб ва таклифлар билан чиқа бошлади.

“Ишлари 10-15 фоиз ерлилашган муассасаларга келсак, иш ерлилашмай, ёлғиз одам ерлилашганини кўрамиз. Чунки бир муассасада 90 лаб оврўполи бўлғони ҳолда, 9-10 гина ерли хизматчилар уларнинг тилида иш юргазмакка мажбур бўлурлар, чунончи бир идоранинг мудирини ёки иш бошқарувчиси оврўполлардан бўлғанда иш юритувчи ёки сарқотиби ишни оврўпача юргазмакка мажбур бўлиши табиийдир. Ўзбек жумҳуриятининг буюк қисми Бухоро ва Хоразмдан иборат бўлиши билан ишининг ўзбекчалашини табиий бўлиб, ерлилаштириш комиссиясининг бу кунгача туғон плани тажрибада яхши натижа бермагани ва заиф бўлғони учун мазкур планни ўзгартириш ва ишда қатъият лозимлиги керак, деб биламиз. Планини қандай қилиб ўзгартириш тўғрисида ўртоқларнинг фикрлари чиқиб қолса керак”[6].

Маҳаллий мухбир Асадулла мазкур муаммони ҳал этишни сўраб, мурожаат этгандан сўнг Порсо Шамсий бунга ўз муносабатини билдиради. “Ўртоқ Асадулла 395-сон “Туркистон” гезетасида бир қанча нарса ёзув турди ҳамда бундан сўнг ерлилаштириш режасини ўзгартириш кераклигини ва бу йўлда бошқаларнинг ҳам фикр юритишларини сўрағон эди. Ҳақиқатан идораларни ерлилаштиришда ҳозирга довор давом этиб келган режани ўзгартирмақ ва бу йўлда ниҳоятда қатъият билан иш кўрмақ керак. Биз кутган натижа унмаганининг биринчи сабаби тажрибачилик бўлса, иккинчиси қатъият йўли бўлмастидир. Иш бошида илгаридан европолик ўртоқлар ўлтириб келишгани бунинг устига ерлилаштириш ишига қингиркўз билан қарашлари қўшилса, тажрибачилик номи билан бирор бир ишга юборилғон ерли хизматчилар иш қилса, биладир. Балки туртиб-суртиб иш олиш бўёқда турсин бирор нарсани тажрибада ўрганмасдан умрларини ўтказадурлар. Иккинчидан, қатъият йўлини тутиш, яъни ҳар бир идорамиз ерлилаштирилганда ўз ҳолига қўйиб юрмасдан доимо назорат қилиниб турилиши шарт”[7].

Россия тасарруфида бўлган миллий республикаларда маҳаллийлаштириш сиёсатининг олиб борилиши ва унинг ҳолати ҳақидаги баъзи маълумотлар шу давр миллий матбуотида келтирилади: “Яқинда Бухоро Иштирокийюни фирқасининг марказий комиссияси ҳукумат муассасаларини муслмон ишчилари билан тўлғизишга киришди. Европалик ишчиларнинг 8 фоизини ишдан чиқаришга ва ёлғиз 10-15 фоизигина раҳбарлар сифати билан қолдирмоққа қарор қилди. Кейин хабарларга қараганда бу қарор секин бўлса-да амалга тадбиқ этила бошлабди. Хивада ҳам ҳозирги замоннинг муҳим вазифаси этилиб шу масала илгари сурилди”[8].

“Коммунистлар фирқасининг шюрларидан бири ҳар миллатнинг истиқлолиятини ўз қўлига топширишдир. Бу гапда бўлса, ишда ҳам бўлғусидир. Бунинг исботи учун Украина ва Қавказ ижтимоий шўролар жумҳуриятини оламиз. Бундан 8 йил бурун Туркистонга ўхшаган Русия мустамлакаси бўлган шу жумҳуриятлар бугун ўзларига ҳур Ўзбекистонга ўхшаган СССРга бир ҳуқуқий аъзодир. Шундай бўлиб, ҳозирда у юртлардан бирор маҳкамда ўрус тилида ёзилғон бир қоғоз тополмайсиз. Хатто Украина жумҳурияти шундай декрет чиқарғонки, ҳар бир маҳкамда ўрусча муомалада бўлса жа-

рима олиниб, жазо бериладир”[9].

1926 йилда маҳаллийлаштириш билан танишиш мақсадида ишлари бир қанча комиссарликларда бўлиб қайтган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул қотиби Акмал Иқромов қуйидагича фикр билдиради: “Ерли халқни ишга жалб қилиш жуда ёмон ҳолдадур. Масалан: Самарқанд вилоят молия шўъбасида ерли халқдан фақат 3 та киши бўлиб, унинг ҳам биттаси соқчисидур; вилоят бир шўъбасида ҳам ерликлардан фақат икки киши, марказий идораларда ҳам аҳвол ундан кўп яхши эмас. Чунончи: адлия комиссарлигига кирган вақтимида унинг ҳайъати мажлис қилиб ўтирар эди, аъзолари жуда машғул бўлсалар-да, лекин аппаратда ерликлардан ҳеч ким кўринмади. Бошқа халқ комиссарликларида ҳам аҳвол шундайдир. Аппаратни ерлилаштиришга албатта масъул кўп, лекин бизнинг шўро хўжалик идораларимиз, айниқса, уларнинг раҳбарлари томонидан истак ва аҳамият бўлса, албатта, аҳвол ҳозиргидай бўлмас эди. Ерли халқдан тайёр бўлғон ишчилар йўқ, уларни тайёрлаш учун етарли даражада аҳамият берилмапти”[10].

Давлат муассасаларининг иш юритишни ўзбек тили ва бошқа маҳаллий тилларда олиб бориш ва бошқарувда маҳаллий миллат вакиллари кенг жалб қилиш талаблари бу яқин йилларда амалга оширмаслигини англаган миллий зиёлиларимиздан бири бундай дейди: “Шуни ҳам яхши билиш керакки, биз бугун ўктябр ўзгаришининг 8-йилини тўлдириб 9-йил ичида яшағон ҳолда маҳкамаларимизни зўрға 16-17 фоиз ерлилаштира олдик. Бу эса ерлилаштиришининг йил сайин зўрға 2 фоиз ўсғонини кўрсатадир. Бу тошбақа оёғи билан боришда маҳкамаларни ақалли 75 фоиз ерлилаштириш учун 40-50 йиллар лозимдир, яъни XX асрнинг охирида” [11]. Дарҳақиқат, бу масалада у ҳақ бўлиб чиқди. Яъни 1989 йилнинг 21 октябрида Ўзбекистон ССРнинг “Ўзбек тилининг давлат тили тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

1928 йил 18 февралда Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг “Давлат аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида” кўшма қарори қабул қилинди[12: 198]. Шундан сўнг муассасаларда иш юритишни ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб бориш ҳамда европа миллатига мансуб ходимлар учун ўзбек тилини ва анги алфавитни ўрганишга йўналтирилган курс ва тўғарақлар очиш лозимлиги тўғрисида декрет эълон қилинди. Бу декретга биноан ўзбеклаштириш уч йиллик муддатда амалга оширилиши белгиланди[13]. Бироқ матбуот саҳифаларида Ўзбекистон ССРда тўғарақларни ташкил этиш ишлари аниқ режа асосида олиб борилмасдан, тартибсиз тарзда ташкил этилгани ёритилган[14].

1931 йил 11 декабрда СССР Марказий Ижроия Қўмитасининг “ЎзССР аппаратини ўзбеклаштириш тўғрисида”ги қарори чиқди. Бу қарорда давлат аппаратини ўзбеклаштириш комиссиясининг фаолиятини тўхтатиш тўғрисида таъкидлаб ўтилди. Шу билан давлат аппаратида иш юритиш ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб борилиши расман тўхтатилди ҳамда руслаштириш жараёни яна кучайтирилди.

Хулоса қилиб айтганда, совет ҳокимияти давлат аппаратининг барча бўғинлари маҳаллий кадрлар билан тўлдирилиши, иш юритишининг ўзбек ва бошқа маҳаллий тилларда олиб борилиши белгиланган бўлса-да, бу қисқа муддат амалда бўлди. Натижада давлат бошқарувида етарли миқдорда маҳаллий кадрлар тайёрланмади. Европа миллатига мансуб ходимларнинг ўзбек тилини ўрганиши учун уларнинг маошига устамалар тўлаш жорий қилинган эди. Бироқ европа миллатига мансуб ходимлар маҳаллий тилларни ўрганишга бепесандлик билан қараб, бу масалани эътиборсиз қолдирди.

#### ҲОҒДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ғиёсиддин. Марказий ерлилаштириш комиссиясининг тузилганига бир йил тўлиши муносабати билан // “Туркистон”. 1924 йил 31 август.
2. Нуриддин Одилий. Ўрта Осиёда ерлилаштириш // “Туркистон”. 1924 йил 1 сентябр.
3. Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 7 сентябрь.
4. Adeeb Khalid. Making Uzbekistan. Nation, Empire and Revolution in the Early USSR. – London.: Cornell University press, 2015.
5. Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 7 сентябрь.
6. Асадулла. Ерлилаштириш. Ерлилаштириш плани ўзгариши керак // “Туркистон”. 1924 йил 13 ноябрь.
7. Порсо Шамсий. Миллий жумҳуриятда ерлилаштириш масаласи // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 12 январь.

8. Ғоzi Юнус. Ҳукумат бошқармаларини ерлилаштириш // “Туркистон”. 1923 йил 22 сентябрь.

9. Мурод Н. Ерлилаштиришдаги ички кўринишлар // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 7 сентябрь.

10. Мўмин Хўжа. Сўздан ишга // “Қизил Ўзбекистон”. 1926 йил 6 май.

11. Нурулла Мурод. Ўзбекистонда ерлилаштириш ишлари (Мубоҳаса йўли билан) // “Қизил Ўзбекистон”. 1925 йил 21 декабрь.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви. Р-86 фонд, 1-рўйхат, 5194-иш, 19-варак; Ражабов К., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврдан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашр. – Т.: “O‘zbekiston”, 2015.

13. “Правда Востока”. 7 октябры 1928 г.

14. “Узбекистанская правда”. 27 февраля 1929 г.

♦ **Аннотация:** Мақолада совет Ўзбекистонда давлат идораларининг маҳаллийлаштириш сиёсатидаги муаммолар ва унинг ечими ўрганилган. Материални таёрлашда шша йилларнинг даврий матбуоти “Туркистон”, “Қизил Ўзбекистон”, “Ўзбекистанская правда” ва “Правда Востока” газеталарининг маълумотлари асосий манба бўлиб хизмат қилди. **Таянч сўзлар:** большевик, совет, маҳаллийлаштириш, ўзбеклаштириш, коммунист, миллий сиёсат, миллатчилик, тоталитар.

♦ **Annotation:** The article is devoted the problems and results in policy korenization of the government in Soviet Uzbekistan. As the main material for illumination of scientific and theoretical aspects of this article the documents which are stored in funds of the Central Archive Office of the Republic of Uzbekistan and also periodicals materials, in particular, of such editions as the newspapers “Turkestan”, “Red Uzbekistan”, “Uzbekistan truth”, “East Truth” served.

♦ **Аннотация:** В статье изучаются проблемы и результаты политики коренизации государственных учреждений советского Узбекистана. Основным источником для освещения научных и теоретических аспектов данной статьи послужили материалы периодической печати, в частности, таких изданий как газеты «Туркестан», «Красный Узбекистан», «Ўзбекистанская правда», «Правда Востока».

## XX АСР БИРИНЧИ ЯРМИДА СУРХОН-ШЕРОБОД ВОҲАСИДАГИ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР

**ЯНГИБОЙ ТУРДИМУРАТОВ**  
Ўзбекистон давлат жисмоний  
тарбия ва спорт университети  
ўқитувчиси, Тарих фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Д**унёда глобаллашув жараёнлари кучайган ҳозирги даврда умуминсоният цивилизацияси ютуқларининг ажралмас атроф-муҳит ва ҳўжалик юритиш тизимида жадал ўзгаришлар содир бўлаётган бир даврда этник ва этномаданий жараёнларни ўрганиш ўта долзарблиги билан ажралиб туради. Маълумки, турли ҳўжалик хусусиятларига, жумладан, ўтроқ деҳқон ва ҳўжалигида чорвачилик етакчи бўлган турли этносларнинг ўзаро иқтисодий-ҳўжалик, маданий-савдо муносабатлари ҳам этник ва этномаданий жараёнларга таъсир кўрсатиб, ассимиляция жараёнларини тезлаштирган. Шу боис ҳам турли этник хусусиятларга эга бўлган этносларнинг аралаш тарзда яшай бошлаши натижасида юзага келадиган этномаданий жараёнларни ўрганиш жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва кенг қўламли бунёдкорлик ишлари янада жадаллаштирилган ҳозирги даврда аж-додларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган улкан, бебаҳо маънавий-маданий меросни, ўтмиш тарихни ўрганиш, қолаверса, миллий анъаналар, урф-одат ва маросимларни тиклаш, ўзликни англаш каби масалалар давлат сиёсати даражасида ечилиши лозим бўлган ғоят муҳим вазифа қилиб белгиланди. Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бир ҳақиқат барчамизга яхши маълум: илм ва изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва, умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди” [1: 64].

Маълумки, бир ҳудудда яшовчи этносларда ва этник гуруҳларда этник, иқтисодий ва маданий жиҳатдан тобора яқинлашиб боришлари туфайли, улар ўртасидаги қавм-қариндошлик ришталари чуқурлашади [10: 41-42]. Бу эса ўз навбатида аҳоли турмуш тарзида, моддий маданиятида, ҳўжалик фаолиятида ва ҳатто тилида ҳам айрим ўзгаришлар содир бўлишига сабаб бўлади. Турли этник жамоалар ҳамда этносларнинг бир ҳудудда ёнма-ён ёки аралаш яшашлари сўзсиз ўзаро тил алоқаларини юзага келтиради. Зеро, ҳеч бир тил таркибидаги шева ва лаҳжалар бир-бирларига таъсирсиз, ўз ҳолича ривож топмайди.

Мамлакатимиз жанубий қисмида жойлашган Сурхон-Шеробод воҳаси анъанавий ҳўжалик-маданий хусусиятлар сақланиб қолган ҳудудлардан бири ҳисобланади. Воҳа аҳолиси бошқа тарихий-маданий вилоятлар аҳолисидан фарқ қилиб, маълум кичик ҳудудий кенглик ва баъзи йирик аҳоли пунктлари ўртасида ҳам айрим тафовутларга эга бўлган. Демак, ҳар бир ҳудудий гуруҳ жойлашган жойнинг табиий географик хусусиятларидан келиб чиқиб, турмуш тарзида, ҳўжалигида ва моддий маданиятида ўзига хос локал хусусиятлар шаклланди. Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги тармоқларини жойлаштириш ва ривожлантиришда иқлим табиий омиллар сифатида муҳим ўрин тутди. Ҳудуднинг табиий-географик ва иқлим шароити аҳолининг ҳўжалик фаолияти ва турмуш тарзига таъсир кўрсатувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ҳўжаликлардаги чорва тури ва таркиби ҳам кўпроқ ҳудуд табиий шароити ҳамда экологик омилларига боғлиқ бўлиб, қоида бўйича чорва молларининг ҳар бир тури ўзигагина хос бўлган агроэкологик зонада тарқалади [6: 25].

XX аср биринчи ярмида Сурхон-Шеробод воҳасидаги асосий этномаданий жараёнлар – ўзаро маданий таъсир, ўтроқ ва чорвадор аҳолининг яқинлашуви ва қисман қўшилиб кетиш (ассимиляция) жараёни кучайиб борган. Воҳадаги ярим ўтроқ ўзбеклар ва турклар зич бўлиб яшайдиган жойларда ўтроқлашув ва уруғчилик анъаналарининг йўқолиб бориши жараёни, шубҳасиз, аста-секин давом этган. Қўнғирот, қарлук,

лақай ва дўрмон каби ўзбек уруғларида XX асрнинг 30-йилларига қадар зироатчилик ҳам кенг тарқалганига қарамасдан, уларда ярим ўтроқ ҳаёт тарзи ва уруғ-қабилачилик тизими унсурлари сақланиб қолган. Фақат ўтроқ аҳоли орасида яшовчи юқоридаги этник ва этнографик гуруҳларнинг кам сонли вакилларида вақт ўтиши билан дастлабкиларига қараганда фарқлар сезила бошланган [4: 100]. Энг қизиғи, йиллар ўтиши билан воҳадаги аксарият чорвадор аҳоли тўлиқ ўтроқ турмуш тарзига ўтган бўлса-да, улар моддий маданиятида чорвадорлар ҳўжалик маданиятига хос бўлган ҳўжалик кўринишлари, хусусан, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган уй хунармандлик турлари – кўнчилик, кигизчилик, гилам тўқиш кабилар сақланиб қолган.

Чорвадорлар ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги ўзаро маданий таъсир ва яқинлашув нафақат чорвадорларнинг ўтроқлашуви ва ўтроқ аҳоли билан ҳамкорликда яшаш натижасида, балки ярим ўтроқ чорвачилик ва ўтроқ зироатчиликни сақлашда давом этиши натижасида содир бўлган. Ҳўжаликнинг икки тури – суғорма деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги ўзаро бир-бирини тўлдириб уйғунлашиб борган. Натижада этник гуруҳлараро алоқалар жонланиб, бу уйғунлашув интеграция, консолидация ва ассимиляция жараёнларини кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилган. Таниқли элшунос олим К.Шоннёнзов таъкидлаганидек, “Аммо этноснинг бир ўзи ёлғиз тараққий эта олмайди. Унинг ривож топиши учун бошқа этнослар билан доимий иқтисодий ва маданий алоқада бўлиши керак” [9: 91].

Воҳада янги ерларнинг ўзлаштирилиши муносабати билан тоғ ва адирликларда яшаган аҳоли қуйи ҳудудларга кўчирилган. Масалан, совет даврида воҳадаги янги ўзлаштирилган ерларга, хусусан, Бешқўтон, Музробод, Истара чўл ҳудудларига асосан воҳанинг тоғли ва тоғолди аҳолиси кўчириб келтирилган. Ички миграцияларнинг кучайиши туфайли воҳада яшовчи уруғларнинг кўпчилиги ўзаро аралаш ҳолда яшай бошлаган. Бу эса воҳадаги аксарият аҳолининг аралаш ҳўжалик фаолиятини юритишига олиб келган. Бундан ташқари, ушбу ҳудудларда ҳўжалик алмашинув жараёнлари ҳам содир бўлган. Масалан, воҳанинг Хуфар, Миланд, Сангардак каби тожик қишлоқларига ўзбек чорвадорлари кўчиб келганидан сўнг, тожиклар ўзбек тилида гаплашадиган ва чорвачилик билан ҳам шуғулланадиган бўлишган [8: 141]. Сурхон ва Шерободдарё ҳавзасида ўтроқ ўзбек ва тожик аҳолиси ўртасида ёзги турар жой сифатида ўтовлар кенг тарқалган. Чорвадорлар аралаш яшайдиган айрим жойларда тожик аёллари жундан нақшли наматлар (кигизлар) тайёрлай бошлаган ва ҳатто ўтов учун жунли маҳсулотлар ҳам тўқишган [7: 74-75]. Сигир ёғини қўй қорнидан тайёрланган идишда сақлаш усули ва бошқалар тожиклар турмушига чорвадорлардан кириб келган. Кўриниб турибдики, ўтроқлашув жараёни таъсирида